



Лаванданинг (*Lavandula officinalis* Ch.) биоэкологик ўзига хос хусусиятлари
хақида.

Қўқон ДПИ ўқитувчиси Ш.А.Турсунова

Қўқон ДПИ талабаси Ш.М.Аминжонов

Аннотация. Ушбу мақолада лаванда ўсимлигининг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги ахамияти келтирилган. Бундан ташқари саноатда ишлатилиши, биоэкологик ва ботаник тавсифи ёритиб берилган.

Таянч сўзлари ва иборалар: доривор, тупроқ, лаванда, ўсимлик, гуллаш, эфир мойи, тиббиёт, табобат.

Лаванда (*Lavandula officinalis* Ch.), лабгулдошлар (Labiatae) оиласига кириб, хаётий шаклига кўра, кўп йиллик ярим бута ўсимлик ҳисобланади. Ўсимликнинг энг кўп тарқалган турларидан асосан француз, голланд ва инглиз лавандаларини келтириш мумкин. Асосан, эфир мойи олиш учун кенг баргли лаванда ва табобатда доривор лаванда экилади. Қадимги римликлар лавандани айнан лаванда деб аташган. Лотинча «Lavare» “ювиш, тозалаш” маъносини англатади ва шундан лаванда номи келиб чиққан. Лаванда ўсимлигининг илдиз тизими бақувват ривожланган попул илдиз, илдизнинг юқори қисми кучли шохланади. Илдизнинг асосий қисми тупроқнинг 40см чуқурликкача кириб бориб, қолган 40-50 майда илдизлар 1,5-2,0 метр чуқурликка кириб боради. Вояга етган ўсимликларнинг асосий пояси тупроқ устидан бошлаб шохланади ва деярли ердан шохлангани сезилмайди. Пастки поялар ялонғоч, ёғочланган шохлар кулранг-қўнғир қобик билан қопланган ва кўп мартаба шохланган. Улар айлана ёйсимон бўлиб, юқорига қараб зич ярим шарсимон туп ҳосил қилади, бўйи 70-100 см, диаметри 60-80 см. Ёш бир йиллик новдалари ўтсимон, 4 қиррали, эгилган. Унда барглар ва гул бандлар ҳосил бўлади. Бутада 400 дан 800 тагача асосий поядан чиққан ҳар йили гуллайдиган новдалар ҳосил бўлади.

Ушбу новдалар 6-8 йилдан кейин қарийди, жуда ёғочлашади, барглари камайиб кетади, тез синувчан бўлиб, гул ҳосили кескин камаяди. Бу поялар ўрнига илдиз бўғизидаги тугунчалардан ва қари поянинг пастки қисмидаги яшаб қолган тугунчалардан янги поялар чиқаради. Қари пояларни олиб ташланганда ўсимлик тупида яна янги серҳосил поялар тупи ҳосил бўлади. Лаванданинг барги



ланцетсимон, энсиз ёки кенг, четлари тўлиқ ёки деярлик юмалоқ, қуйиқ эгилган, кулранг-яшил тусли. Узунлиги 2,5-6,5 см, кенглиги 1,2-5,0 мм. Барглари ҳар доим янгиланиб туради ва йил давомида сақланиб қолади. Ўсимлик гул тўплами бошоқсимон кўринишда. Битта ўсимликда 40 дан 700 тагача ва ҳатто 1000 тагача гул бўлади. Гул тўплами 4-12 бошоқчали, бир-бирига қарама-қарши жойлашган. Ҳар битта тўп гулда 7 тадан 20 тагача гул бўлади. Ранги оқ, кўк бинафша ранггача ёки тўқ бинафшаранг. Гуллари майда, икки жинсли. Гул косачаси найсимон, узунасига коворғали бўлиб, кўплаб туклар билан қопланган. Чуқур коворғалари орасида эфир мойлари бўлади. Гултожи оқ 122 ёки тўқ бинафшаранг, трубкасимон, икки лабли, гуллаб бўлгач тўкилиб кетади. Чангдон 4, юқори қисми боғланган, 4-уяли. Бир вақтда гуллари гулламайди, аввал бошоқнинг пастки биринчи ёки иккинчи ва охирида юқоридагилари гуллайди[7.215-б; 8.195-б].

Меваси қурук, 4та бир уруғли тўқ қўнғир рангли ёнғоқча, майда, силлик, узунчоқ-овал шаклда. 1000 дона уруғ 1,0 грамм атрофида бўлади. Лаванданинг гуллаши 30-35 кун давом этади. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди. Июн-июл ойида 25-30 кун давомида гуллайди ва август-сентябрь ойларида меваси пишади. Бир майдонда 20-30 йил давомида ўсади. [с. 39-50].

Лаванда (*Lavandula officinalis* Ch.) , очик майдонларга хушбўй, гуллари таркибидаги сифатли эфир мойи учун ушбу ўсимлик экиб келинади. Лаванда (*Lavandula officinalis* Ch.) таркибидаги эфир мойи асосан саноатда, парфюмерия, атир совунларга, пардоз-андоз буюмлари, атир таркибига хушбўй ҳид бериши ва ҳидни узоқ муддат ушлаб туриш учун хизмат қилади. Бундан ташқари ўсимлик таркибидаги эфир мойлари фармацевтика саноатида, антисептик ва бактерицид хусусиятларига кўра, инсонлар организми учун тинчлантирувчи, турли хил оғриқларни қолдирувчи, астма ва бронхит касалликларида, нерв системасининг тормозланншига қарши восита сифатида, теридаги йирингли яраларни ва гангрени даволашда, ўт ҳайдовчи, ич кетишда, неврологияда, турли типдаги паразит гижжаларни ҳайдовчи сифатида кенг фойдаланилади. Шунингдек, фармацевтикада ҳиди ва таъми ёқимсиз бўлган дори препаратларини яхшиловчи ва вино заводида виноларни хушбўй қилиш учун фойдаланилади. Лаванданинг барги, баргли шохчалари, гуллари хуштаъмлик учун



ишлатилади. Лаванда (*Lavandula officinalis Ch.*) Италия Испан ва Француз ошхоналарида овқатга хушбўй хид берувчи ўсимлик сифатида жуда машхур ҳисобланади. Лаванданинг гербарийси яъни қуритилган поялари кийимларни хушбўй хид бериш учун ва куяларга қарши дори сифатида ишлитилиши билан бошқа ўсимликлардан фарқланади. Лаванда (*Lavandula officinalis Ch.*) ўсимлигидан ҳар бир гектаридан 140-150 кг асал олинади.

Лаванда (*Lavandula officinalis Ch.*) ўсимлигининг барча вегетатив ва генератив органларида эфир мойга бой бўлиб, яъни, гулида 1,5-2,5%, баргида 0,37%, поясида 0,19% гача учрайди. Ўсимлик таркибида учровчи эфир мойида асосий компонент линалол ва линалилацетат унинг мураккаб эфирлари бўлиб, 28% дан 60% гача бўлади. Лаванда гулининг мойига хушбўй хид бериб туради. Бундан ташқари ўсимликдаги эфир мойи таркибида валериан ва кориен альдегиди, амил спирти, гераниол, нерол, лавандуллол ва бошқалар учрайди. [pp.253-271].

Хулоса қилиб айтганда лаванда ҳар томонлама фойдали ўсимлик бўлиб у экотуризмни ривожлантириш учун манзарали, шифобахш, эфир мойига бой ва озик-овқат саноатида қўлланилувчи ўсимлик ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сапрыкин Ф. Я. Растения древних геологических эпох углеобразования как индикаторы газового состава атмосферы. - Труды ВСЕГЕИ. - Москва 1978, т. 295, с. 39-50.
2. WHO (2002) Traditional Medicine Strategy 2002-2005, WHO, Geneva. -61 p.
3. Salgueiro L, Martins AP, Correia H (2010) Raw materials: the importance of quality and safety. A review. *Flavour Fragr J* 25: pp.253-271.
4. Игамбердиева П.К. Жанубий Фарғона доривор ўсимликларини кимёвий таркибига кўра тиббий-гигиеник таснифлаш. К.ф.ф.д. (PhD) диссер. автореф. - Ф., 2018. 7-8 б.
5. Игамбердиева П.К., Ибрагимов А.А. Определения цинка и селена в составе лекарственных растений южной Ферганы и перспективы их применения при лечении вирусног гепатита. //Проблемы биологии и медицины. Москва, 2014. №3. - С. 116-117.
6. Muydinovich, R. I., Valentinovna, M. S., & Xabibjonqizi, M. D. (2022). THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN MODERN METHODS IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).
7. Makhkamova, D. X. (2023, January). IMPROVING THE METHODOLOGY OF USING SOFTWARE TOOLS FOR THE FUTURE INFORMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGY TEACHER. In *E Conference Zone* (pp. 64-69).
8. Makhkamova, D. X. (2023). METHODOLOGY OF FORMATION OF FREELANCING SKILLS OF FUTURE TEACHERS OF INFORMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGIES THROUGH THE SUBJECT OF INFORMATICS AND DIGITAL TECHNOLOGIES. *Conferencea*, 55-64.
9. To'lanboevna, M. M. (2023). YOSHLARNI RUHIY VA MA'NAVIY SOG'LOM TARBIYALASHDA OILANING O'RNI. *ILMIY TADQIQOTLAR VA JAMIYAT MUAMMOLARI*, 1(2), 3-11.



10. Tulanboevna, M. M. (2022). PRIORITY RESPONSIBILITIES OF THE MANAGER IN THE FIELD OF PERSONNEL MANAGEMENT AND DEVELOPMENT IN THE SYSTEM OF VOCATIONAL EDUCATION. *Open Access Repository*, 8(12), 561-565.
11. Khasanov, A. R. (2022). LEARNING IS A COMPETENCY-BASED APPROACH AS A CONTENT UPDATE STEP. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 217-223.
12. Khasanov, A. R. (2022). Development of information competence of future informatics teachers as a pedagogical problem. *Open Access Repository*, 9(12), 73-79.
13. Xasanov, A. R. (2021, May). USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES AND INTERACTIVE METHODS IN TEACHING COMPUTER SCIENCE. In *E-Conference Globe* (pp. 198-199).
14. Maxmudovich, X. X. (2022). CULTURE OF THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN THE EDUCATIONAL SYSTEM. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 268-271.
15. Makhmudovich, K. K. (2022). Building Models of Their Functions According to Single-Valued and Multivalued Compatibility Truth Table of Cryptographic Accelerations. *Open Access Repository*, 9(12), 44-49.
16. Sharifovich, A. S., Maxmudovich, H. X., & Mansurovich, B. M. (2022). Application Of Information Compression to Create New Hash Functional Algorithms of Rectangal Matrix Introduction. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 9, 54-57.
17. Sharifovich, A. S., Maxmudovich, H. X., & Mansurovich, B. M. (2022). Protocol For Electronic Digital Signature of Asymmetric Encryption Algorithm, Based on Asymmetric Encryption Algorithm Based on the Complexity of Prime Decomposition of a Sufficiently Large Natural Number. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 7, 238-241.
18. Aripov, M. M., Axmadaliyev, S. S., Xasanov, X. M., & Botirov, M. M. (2022). IMPLEMENTING MINIMUM GRAPH COVERING IN PYTHON. *Ann. For. Res*, 65(1), 10016-10021.
19. Останов, К., & Ботиров, М. М. (2022). О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА ПРИ ИЗУЧЕНИИ МАТЕМАТИКИ. *Проблемы науки*, (6 (74)), 5-7.
20. Mansurovich, B. M., & Ogli, Y. M. D. (2022). PHP DASTURLASH TILI VA UNING IMKONIYATLARI. *Ta'lim fidoyilari*, 18(5), 77-80.
21. Ботиров, М. (2017). Морфология твердой фазы биологических жидкостей, как метод диагностики в медицине. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (4 (97)), 179-182.
22. БОТИРОВ, М. ўз ЗА-ЎАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШДА ОРАЛИЖ МУДДАТДА БЕДА ПАРВАРИШЛАШ. *ЧОРВАЧИЛИК. ВЕТЕРИНАРИЯ*, 8.
23. Ботиров, М., Ураймов, Т., & Усмонхужаева, Г. Андижанской сельскохозяйственный институт, Республика Узбекистан ВЛИЯНИЕ ПОКРОВНОГО ПОСЕВА ЛЮЦЕРНЫ НА ПОЖНИВНЫЕ, КОРНЕВЫЕ ОСТАТКИ И ВОДОПРОЧНЫХ АГРЕГАТОВ В ПОЧВЕ. *ИЗДЕНИСТЕР, № 2 ИССЛЕДОВАНИЯ, НӨТИЖЕЛЕР 2017 РЕЗУЛЬТАТЫ*, 147.
24. Valiyevna, K. S., & Kizi, I. N. V. (2022). New vocabulary of the internet language: Methods of formation, reasons for the appearance. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(5), 84-89.
25. Turdaliyevich, M. I. (2022). SOME ISSUES IN THE PROCESS OF USING INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE PROCESS OF THE EDUCATIONAL SYSTEM. *Open Access Repository*, 8(12), 289-294. Turdaliyevich, M. I. (2022). Methodological Aspects of Preparing A Future Informatics Teacher for Innovative Activities. *Open Access Repository*, 9(11), 337-339.
26. Rakhimovna, S. F. (2022). ANALYSIS OF NATIONAL MODELS FOR THE FORMATION OF ECONOMIC CLUSTERS IN UZBEKISTAN. *Open Access Repository*, 8(12), 530-535.
27. Alisherovna, E. N. (2023). Biologiya darslarida elektron darsliklardan foydalanish. *Ta'lim fidoyilari*, 12, 171-180.
28. Alisherovna, E. N. (2023). Pedagog imidji va muloqot madaniyati. *Ta'lim fidoyilari*, 12, 166-170.
29. Alisherovna, E. N. (2022). PEDAGOGICAL COMMUNITY AND ITS SOCIO-PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603*, 11(11), 80-88.
30. Makhmudovna, A. M. (2022). THE ROLE OF SOLVING PROBLEMS AND EXERCISES IN BIOLOGY IN THE ACTIVATION OF COGNITIVE ACTIVITY OF STUDENTS. *Open Access Repository*, 8(12), 248-249.
31. Mahmudovna, A. M. (2022). DIDACTIC FOUNDATIONS OF COGNITIVE ACTIVITY AND ITS DEVELOPMENT IN STUDENTS. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, 11(12), 193-198.